

Японияда «Қуръон - чегаралар ошиб» мавзусида анжуман ўтказилди



16:56 / 10.02.2025 1748

2025 йил 9 февраль куни Япония пойтахти Токиода Жаҳон тиллари университетиде «Қуръон - чегаралар ошиб» мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман Қуръон тиловати билан очилди. Исро сурасидан ўқилган оятларнинг инглизча маънолар таржимаси катта экранда узатиб турилди. Японлар учун мажлисни тиловат билан очиш ва оятларни экранда бериб туриш янгилик бўлди.

Анжуманда Қуръонга боғлиқ бир қатор мавзуларда маърузалар қилинди. Америкадан ташриф буюрган доктор Селена Иброҳим «Қуръон ва конструктив илоҳиёт» мавзусида қилган суҳбатида Америкадаги муслималарнинг фаолияти, муслималар феменизм ҳаракатларига муҳтож эмаслиги, ушбу тушунча асосида Ғарбда тарғиб қилинаётган қарашлар

уларнинг қадриятлари ва эътиқодларига тўғри келмаслигини таъкидлаб ўтди. Унга кўра, соф Ислом таълимотида берилган ҳуқуқ ва мартаба аёллар учун ҳар жиҳатдан етарли ҳамда уларнинг фитратларига муносибдир.

Қуръони Каримни япон тилига таржима қилган олимлардан доктор Макото Мизутанининг «Японияда Қуръон тенденциялари: олдинги тадқиқотлар ва менинг вазифам» сарлавҳаси остида қилган маърузаси, ёш япон олимларидан доктор Ҳоний Абдулҳодийнинг «Парадигма ўзгариши: Япон анъанавий қадриятларидан Қуръон дунёқарашига» мавзусида тақдим этган маърузаси тингловчиларда яхши таассурот қолдирди. Доктор Макото диний атамаларни япон тилига таржима қилишда буддавийлик тушунчаларига йўқрилган сўзлардан қочиб, соф қуръоний маъноини ифода қилган калималарни қандай танлагани ҳақида сўз юритди. Доктор Абдулҳодий эса япон халқининг диний эътиқоди ва унинг асосларини илмий таҳлил қилиб, уларнинг илоҳий таянч, илму ақлга суянмаганини ёритар экан, бугунги япон жамиятидаги муаммоларни ҳал қилишда улар учун ҳар жиҳатдан энг муносиб ечим Ислом дини экани борасида илмий қарашларини баён қилди. У Исломнинг ақл ва аниқ асосларга эга экани билан замонавий тафаккурга мувофиқ келишини таъкидлади.

Қувонарлиси юртимиздан Қуръони Карим ходими Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид ҳам ушбу анжуманда иштирок этиб, «Марказий Осиёда Қуръон таълими: ўтмиш ва бугун» мавзусида маъруза қилди. Унда юртимиздан етишиб чиққан қироат устозлари, бошқа илмларда мутахассис бўлган олиму фузалолар, амиру умароларнинг Қуръон илмидаги даражалари ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистоннинг яқин тарихи билан таниш бўлган япон олимларини собиқ иттифоқ пайтида Қуръон қандай сақлаб қолингани кўпроқ қизиқтирди. Улар ушбу даврда юртимиздаги уламолар ва устозларнинг миллат ўзлигини, динини сақлаш борасида қилган меҳнатларидан ҳайратга тушишди. Бу борада алоҳида тадқиқотлар олиб бориш кераклигини таъкидлаб ўтишди.

Жамиядаги вазиятдан келиб чиқиб, Японияда ҳукумат тарафидан 2011 йилда «Диний қадриятларни қайта жонлантириш» ҳайъати тузилган бўлиб, доктор Макото ушбу муассасада мусулмонлардан вакил сифатида тайинланган. У ўз суҳбати асносида япон халқи ҳали Қуръоннинг сир-синоатларига етиб бормагани, жумладан, Қуръонни тажвид ва тараннум билан тиловат қилиш ҳақида тасаввурга эга эмаслигини эслаб ўтди ва ўзи тайёрлаган Қуръон таржимаси нусхасидан дастхати билан устоз Ҳасанхон

Яхё Абдулмажидга ҳадя қилди.

Анжуман кўпчиликда яхши таассуротлар қолдирди.